

**Олий аттестация комиссиясининг
2026 йил 3 ойлик (январь-март) фаолияти натижалари бўйича
маълумотнома**

1. 2026 йил 3 ойлигида **1273 нафар** тадқиқотчи **илмий даражада тасдиқланди**. Шундан, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасида эга бўлганлар сони **1081 нафарни**, фан доктори (DSc) илмий даражасига эга бўлганлар сони **192 нафарни** ташкил этди.

KPI кўрсаткичи илмий даражалар бўйича **108 фоизни**, жумладан фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси бўйича **108 фоизни**, фан доктори (DSc) илмий даражаси бўйича **107 фоизни** ташкил этди.

2. Шу даврда **652 нафар** талабгор илмий унвонда, жумладан **483 нафари** доцент, **133 нафари** профессор ва **36 нафари** катта илмий ходим унвонларида тасдиқланди.

KPI кўрсаткичи илмий унвонлар бўйича **104 фоизни**, жумладан доцент илмий унвони бўйича **105 фоизни**, профессор илмий унвони бўйича **104 фоизни** ва катта илмий ходим илмий унвони бўйича **101 фоизни** ва ташкил этди.

3. Хорижий давлатлар муассасалари томонидан берилган **26 та** илмий даражалар дипломлари нострификация қилинди. Шундан **20 таси** фалсафа доктори (PhD) ва **6 таси** фан номзоди илмий даражалари дипломи ташкил этади.

4. Хорижий давлатларда илмий даражалар тўғрисида берилган **18 та** фалсафа доктори (PhD) дипломи ўрнатилган тартибда **фан доктори** сифатида тўғридан-тўғри **тан олиниши** ташкил қилинди.

5. Жисмоний ва юридик шахсларнинг **99 та** мурожаатлари ҳисобга олинди (шулардан **1 та** оғзаки, **98 та** ёзма). Барча мурожаатларга (**100%**) ўз вақтида жавоб берилди.

6. Илмий жамоатчилик билан **12 та** ҳудудда учрашувлар ва сайёр қабуллар ташкил этилиб, ҳисобот даврида **3475 нафар** илмий жамоатчилик, шундан **2900 нафари** 35 ёшгача бўлганлар билан **34 та** учрашув ташкил этилди. Уларда **381 та** саволга тушунтиришлар берилди, **92 нафар** шахсга жойида услубий ёрдам кўрсатилди ва сайёр қабулларда **20 нафар** шахсга жойида амалий ёрдам берилди.